

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

УЛЖАЕВ ФАРОХИДДИН БАХРИДИНОВИЧ

**ДАРЁ ЎЗАНЛАРИНИ ҲИМОЯ ДАМБАЛАРИ БИЛАН БОШҚАРИЛИШИ
СОҲАЛАРИДА ДЕФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ЖАДАЛЛИГИНИ
БАҲОЛАШ**

05.09.07 - Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УЎК: 626/627:556.536(043)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
and technical sciences**

Улжаев Фарохиддин Бахридинович

Дарё ўзанларини химоя дамбалари билан бошқарилиши соҳаларида
деформацион жараёнлар жадаллигини баҳолаш 3

Улжаев Фарохиддин Бахридинович

Оценка интенсивности деформационных процессов при регулировании
русел рек защитными дамбами 23

Uljayev Farokhiddin Bakhridinovich

Estimates of the intensity of deformation processes in the regulation of river
beds by protective dams 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

УЛЖАЕВ ФАРОХИДДИН БАХРИДИНОВИЧ

**ДАРЁ ЎЗАНЛАРИНИ ҲИМОЯ ДАМБАЛАРИ БИЛАН БОШҚАРИЛИШИ
СОҲАЛАРИДА ДЕФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ЖАДАЛЛИГИНИ
БАҲОЛАШ**

05.09.07 - Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/2017-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Базаров Дилшод Райимович,
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эшев Собир Саматович,
техника фанлари доктори, профессор

Шакиров Бахтияр Махмудович,
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-19-61, (99871) 237-22-09; Факс: (99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiiame.uz)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-19-45)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.З.Султонов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.А.Гаппаров,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Э.Ж.Махмудов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда дарёлардан тўғонсиз сув олиш иншоотлари самарадорлигини ошириб, кафолатли сув олиш ва уларнинг бошқа гидротехник иншоотларнинг оқим динамикасига кўрсаткичларига таъсирини башорат қилиш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида тўғонсиз сув олишда канални кафолатланган сув билан таъминлаш, қирғоқлар деформациясининг олдини олиш учун турли хил конструкциядаги ҳимоя ростлаш иншоотларини қўллаш ҳозирги кунда амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, тўғонсиз сув олишда канални кафолатланган сув билан таъминлаш учун самарали ва қулай ҳимоя ростлаш иншоотларини конструкцияларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда тўғонсиз сув олишда ҳимоя қирғоқларининг деформациясини олдини олиш, ўзан оқимини динамикасини башорат қилиш бўйича илмий асосланган ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада тўғонсиз сув олишда дарё ўзани ва қайирида барпо этиладиган ҳимоя бошқарув дамба иншоотлар соҳасида ўзан жараёнларининг содир бўлиши натижасида унинг ишончлилиги ва ишлаш режимига салбий таъсирлари, дарё ўзанларида, жумладан, каналнинг бош иншоот соҳасида ўзан жараёнлари йўналишларини аниқлаш, уларни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш бўйича янги экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ҳамда уларни илмий асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда тўғонсиз сув олиш иншоотлари соҳасида барпо этилган ҳимоя ростлаш иншоотлари, оқим ҳаракати йўналишини ўзгартириш ҳисобига эксплуатация шароитларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот ишларини ўтказиш, дарё ўзанлари деформацияси ҳисоблаш усулларини уларнинг морфологик хусусиятларини ҳисобга олиб такомиллаштириш, дарё ўзани ва қайирида ҳимоя ростлаш иншоотлари соҳасидаги ўзандаги жараёнларни баҳолаш, оқим йўналишини ўзгартиришнинг иқтисодий қулай ва самарали усулларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижалар эришилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мелиорация ва ирригация объектларини ривожлантириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, ирригация ва қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг барча соҳаларини сув билан барқарор ва ишончли таъминлаш мақсадида, сув хўжалиги ирригацияни ривожлантириш, сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни инобатга олиб, тўғонсиз сув иншоотини кафолатланган сув билан таъминлаш ва дарё қирғоқлари соҳасидаги деформацион жараёнларни

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

олдини олишга қаратилган конструкцияларни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Дарёлардаги тўғонсиз сув олиш иншоотида ўзан ва қайирида барпо этиладиган химоя ростлаш иншоотлари соҳасидаги деформацион жараёнларни баҳолаш, кафолатланган сувни истеъмолчига етказиб бериш масалаларига қаратилган илмий ва амалий тадқиқотларнинг кўплаб натижалар маълум. Кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари билан сув оқимини бўлиниши қонуниятларини аниқлаш, деформацион жараёнларнинг ҳисоблаш усуллари И.И.Леви, М.А.Великанов, М.В.Потапов, Г.И.Шамов, С.Т.Алтунин, С.Х.Абальянц, А.В.Караушев, Н.В.Гришанин, И.В.Попов, И.А.Кузьмин, Ю.А.Ибат-заде, Х.А.Ирмухамедов, И.А.Бузунов, Х.Ш.Шапилов, В.С.Лапшенков, В.М.Ляхтера, А.М.Мухамедов, Х.А.Исмагилов ва бошқаларнинг ишларида келтирилган.

Кўпчилик тадқиқотчилар С.Т.Алтунин, С.Х.Абальянц, Х.А.Ирмухамедов, И.А.Бузунов, Р.Уркинбаев, Ж.Кучкаров, А.Н.Милитеев, Д.Р.Базаров, А.М. Арифжанов, М.Р.Бакиев, Н.Рахматов ва бошқалар тўғонсиз сув олиш муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланишган, улар ижобий натижаларга эришиб, олинган илмий тадқиқот натижалари амалиётга қўлланилиб келинмоқда.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг сувга бўлган талаби, тўғонсиз сув олиш иншоотлар самарадорлигини ошириш мақсадида барпо этиладиган химоя ростлаш иншоотлари ҳамда лойқа чўкиндиларни тўғонсиз сув олиш каналига киришни камайтиришда янги ва мукамал мавжуд схемалар компоновкаси ва алоҳида конструктив ечимлар қабул қилиш, оқимнинг йўналишини ўзгартириш, иншоот соҳасидаги маҳаллий ювилиш жараёнларини ҳисоблаш усуллари такомиллаштириш зарурдир.

Ҳозирги вақтда Амударё дарёси қирғоқлари деформацион жараёнларининг олдини олишга қаратилган такомиллаштирилган схемалар ва алоҳида конструктив ечимларни қабул қилиш, уларни гидравлик асослаш усуллари такомиллаштириш каби муаммолар етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли, тўғонсиз сув олишда дарё ўзани ва қайирида барпо

этиладиган иншоотлар соҳасида ўзан жараёнларининг олдини олиш, дарё ўзанларида ҳимоя бошқарув дамбалари қурилганда каналнинг бош иншоот соҳасида ўзан жараёнларини ҳажми ва йўналишларини аниқлаш, уларнинг ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти режасининг 18/2020 рақамли «Қарши Магистрал каналининг насос станциясига сув олиб келиш қисми ўзанидаги жараёнларни ростлаш ҳамда земснарядларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича керакли тавсияларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тўғонсиз сув олиш соҳасида оқимнинг ҳаракати йўналишини ростлаш ҳамда бош иншоотнинг иш шароитини яхшилаш бўйича гидравлик усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тўғонсиз сув олиш иншоотлари соҳасида дарё ўзанида барпо этиладиган ҳимоя бошқарув дамбалари соҳаларни ўзан оқим ўзгаришини ҳисоблаш усулларини тадқиқ қилиш;

тўғонсиз сув олиш иншоотлари соҳасида дарё ўзани ва қайирларида барпо этиладиган ҳимоя ростлаш иншоотлари соҳасидаги жараёнларни экспериментал тадқиқот қилиш;

тўғонсиз сув олиш иншоотлари соҳасида дарё ўзани ва қайирларида барпо этиладиган ҳимоя ростлаш иншоотлари соҳасидаги сув оқими нотекис ҳаракатини ифодаловчи икки ўлчамли математик моделни ишлаб чиқиш;

тўғонсиз сув олиш иншоотлари эксплуатацияси самарадорлигини ошириш мақсадида иншоотлар соҳасида оқим йўналишини ростлаш усулини ишлаб чиқиш;

тўғонсиз сув олиш иншоотлари соҳасида дарё ўзани ва қайирларида барпо этиладиган ҳимоя ростлаш иншоотлари соҳасидаги деформацион жараёнларни баҳолаш;

тўғонсиз сув олиш иншоотлари соҳасида дарё ўзани ва қайирларида барпо этиладиган ҳимоя ростлаш иншоотлари ёрдамида ўзанни ростлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Амударё ўзанида жойлашган Қарши магистрал каналига дарёдан тўғонсиз сув олиш соҳаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети Амударё ўзанидаги Қарши магистрал канали тўғонсиз сув олиш иншооти ва бош иншоотга сув олиб келиш канали ўзани, ҳимоя ростлаш иншоотлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар ўтказиш жараёнида дала кузатув усуллари, гидрология ва гидравликада қўлланиладиган умум қабул қилинган усуллар, ўзанда содир бўлаётган жараёнларни асослашда назарий тенгламалар ва математик, статистик илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўғонсиз сув олиш соҳасида оқимнинг асосий гидродинамик кўрсаткичларини баҳолаш усули дарё ўзани ва сув олиш бош иншоотида оқимнинг тақсимланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

тўғонсиз сув олиш соҳасида оқимнинг беқарор ҳаракатини ифодаловчи гидродинамик тенгламалар системаси асосида кам сувли давр учун оқимнинг бўлиниш усули такомиллаштирилган;

тўғонсиз сув олишда ҳимоя бошқарув дамбаларини ўрнатиш орқали оқим тезликларининг тақсимланишини ва йўналишини башорат қилиш дастури ишлаб чиқилган;

тўғонсиз сув олиш бош иншооти соҳасида деформацион жараёнларнинг жадаллигини аниқлаш усули дарёнинг гидрологик режимини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

назарий, экспериментал ва дала кузатувлари тадқиқотлари натижалари, тўғонсиз сув олиш иншоотлари соҳасида дарё ўзани ва қайирларида барпо этиладиган ҳимоя ростлаш иншоотлари соҳасида ҳаракатланаётган оқимнинг асосий гидродинамик параметрларини аниқлаш усуллари, ушбу ҳимоя ростлаш иншоотлари соҳалардаги ўзандаги жараёнларни башорат қилиш учун сув оқимининг нотекис ҳаракатини ифодаловчи икки ўлчамли математик модель ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари тўғонсиз сув олиш иншоотлари соҳасида дарё ўзани ва қайирларида барпо этиладиган ҳимоя ростлаш иншоотлари жойлашиши конструктив схемалари гидравлик асосланган ҳолда ишлаб чиқилган;

Қарши магистрал каналига тўғонсиз сув олиш ишончлилигини ошириш учун барпо этиладиган ҳимоя ростлаш иншоотлари соҳасида оқимнинг асосий миқдорини сув олиш иншооти томонга йўналтирувчи конструктив схемаларни танлаш усули ишлаб чиқилган;

ўтказилган дала кузатув ва лаборатория тадқиқотлари материаллари дарё қисмларининг тўғонсиз сув олиш иншоотлари соҳасидаги ҳимоя ростлаш иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ишлари, эксплуатация, иншоотларни реконструкция қилишда қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумий қабул қилинган тадқиқот усулларида ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижалари мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифлар олган натижалари билан таққосланганлиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўғонсиз сув олиш иншоотлари соҳасида дарё ўзани ва қайирларида барпо этиладиган ҳимоя ростлаш иншоотлари соҳасида оқимнинг пландаги икки ўлчамли беқарор нотекис ҳаракатини ифодаловчи математик моделни ишлаб чиқиш ва уни ҳисоблаш

программалари асосида дарё ўзанидаги оқим ҳаракатини ҳисоблаш услубиятини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Амударёнинг Қарши магистрал каналига тўғонсиз сув олиш иншоотлари соҳасида дарё ўзани ва қайирларида барпо этиладиган ҳимоя ростлаш иншоотларини гидравлик асослаш, тўғонсиз сув олиш иншоотини самарали ва ишончли ишлашини таъминловчи оқим ҳаракати йўналишини ростлаш ҳамда тўғонсиз сув олиш иншоотлари соҳасида дарё ўзани ва қайирларида барпо этиладиган ҳимоя ростлаш иншоотлари геометрик ўлчамларини, иншоотлар оралиғидаги масофани аниқлаш, иншоотлар соҳасидаги маҳаллий деформацион жараёнларни ҳисоблаш усули такомиллаштирилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тўғонсиз сув олиш худуди иш шароитини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўғонсиз сув олиш иншоотлари самарадорлигини ошириш мақсадида иншоотлар соҳасида ҳимоя дамбаларини ростлаш усуллари Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси томонидан амалиётга жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 25 январдаги 04/20-276-сон маълумотномаси). Натижада, оқим тезликларини ва йўналишини аниқлаш орқали тўғонсиз сув олиш самарадорлигини ошириш имконияти яратилди;

дарё ўзани ва қайирларида барпо этиладиган ҳимоя ростлаш иншоотлари ўрнатиш, ростлаш бўйича тавсиялар Олот туман Аму-Бухоро машина каналдан фойдаланиш бошқармаси томонидан амалиётга жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 25 январдаги 04/20-276-сон маълумотномаси). Натижада, тўғонсиз сув олиш бош иншооти соҳасида деформацион жараёнларнинг олдини олиш имконияти яратилган.

дарё ўзани ва қайирларида барпо этиладиган ҳимоя ростлаш иншоотлари соҳасидаги ўзан оқим динамикасини ҳисоблаш усуллари Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси томонидан амалиётга жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 25 январдаги 04/20-276-сон маълумотномаси). Натижада, деформацион жараёнларнинг жадаллигини аниқлаш усули дарёнинг гидрологик режимини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-техник, шу жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган ва мақулланди.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 14 та илмий мақола чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 3 та, жумладан 6 та Республика ва 5 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 саҳифа ташкил қилди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида Ўзбекистон Республикаси ва жаҳонда ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган натижалар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Дарё ўзанларининг ростланиши соҳаларида деформацион жараёнларнинг ўрганилганлик даражаси»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва Республикаimizдаги тўғонсиз сув олиш соҳаларида химоя ростлаш иншоотларида оқим динамикаси таҳлили келтирилган. Тўғонсиз сув олиш иншооти соҳасида ўзандаги жараёнлар ва уларни бартараф этиш бўйича дарё қайирларининг жадал ювилиши, оқим тезлигининг нотекис тақсимланиши, тўғонсиз сув олиш иншооти соҳасидан ўтувчи ирмоқларни доимий равишда сув олиш бош иншоотидан узоқлашиши, эксплуатация шароитларини мураккаблашиши, вегетация даврида кафолатланган сув миқдорини каналга киришини камайиши, гидротехника ва гидроэнергетика иншоотлари амалиётида экспериментал илмий тадқиқотлар усуллари таҳлили келтирилди.

Сув оқимини бўлиниши қонуниятларини аниқлаш, ўзан жараёнларнинг ҳисоблаш усулларига оид назарий ва амалий тадқиқотлар билан И.И.Леви, В.М.Лохтин, М.А.Великанов, М.В.Потапов, В.Н.Гончаров, А.В.Караушев, Н.В.Гришанин, И.В.Попов, К.И.Россинский, Г.А.Федотов, В.С.Алтунин, Ю.А.Ибад-заде ва бошқалар шуғулланишган. Дарёлардан тўғонсиз сув олиш масалаларига қаратилган илмий ва амалий тадқиқотлар билан С.Т.Алтунин, С.Х.Абальянц, А.М.Мухамедов, Х.А.Ирмухамедов, Х.А.Исмагилов, И.А.Бузунов, Р.Уркинбаев, Ж.Кучкаров, М.Р. Бакиев, Д.Р.Базаров, М.Р.Икрамова, Н.Рахматов ва бошқа бир қанча олимлар томонидан ўрганилган. Таъкидлаш лозимки, бу тадқиқотларнинг аксарияти дарё ва қайрларда тўғонсиз сув олиш иншоотига кафолатланган сув билан таъминлаш ва деформацион жараёнларни олдини олишга қаратилган бўлиб, шу вазиятлар учун тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган. Тўғонсиз сув олиш иншоотларини эксплуатацияси жараёнида оқимни ростлаб, кафолатли сув олишда самарали натижа берадиган химоя ростлаш иншоотлари турли конструктив ечимлари амалиётда синаб кўрилиб, уларни қўлланилишига тавсиялар берилган. Улар эксплуатация жараёнида самарали ечимга эга бўлиб, ўз натижасини бериб келмоқда.

Олиб борилаётган илмий тадқиқотларда лаборатория экспериментлари билан биргаликда компьютерда моделлаштиришдан ҳам кенг фойдаланилиши

муаллифлар томонидан эътироф этилган. Соний тадқиқотларда оқимнинг ҳимоя ростлаш иншоотлари соҳасида беқарор нотекис ҳаракати тадқиқотларидан ташқари, оқимнинг кенгайишини ҳисоблаш бўйича ҳам олиб борилган. Ҳисобий гидродинамика вакиллари томонидан ўзанининг кескин кенгайишида сув айланманинг шаклланиши пландаги икки ўлчамли гидродинамикани ҳаракат тенламаси ва узлуксизлик тенгламаларининг биргаликдаги ечими натижасида олинган. Бунда планда икки ўлчамли Сен-Венан тенгламалари системасининг дивергент шаклидан фойдаланилган. Бир неча хорижлик тадқиқотчилар томонидан олиб борилган соний тадқиқотларда ёпишқоқликнинг тезлик майдони ва чуқурликка таъсири ўрганилган. Олинган экспериментал натижалар АҚШ, Голландия, Франция ва Германия тадқиқотчилари бажарган экспериментал тадқиқотлар натижалари билан мос келган.

Тўғонсиз сув олиш масалаларини ечишда жуда кўплаб тадқиқотлар олинганлигига қарамасдан, уларнинг экспериментал тадқиқотлар натижалари билан корректив қилинганда қўлланилиш соҳалари турлича бўлганлиги сабабли аниқ бирининг бошқаларидан устунлигини кўрсатиб бўлмайди. Айниқса, дарё ўзани ва қайирида оқим ҳаракати йўналишини ўзгартириб, деформацион жараёнларни секинлаштирадиган, ўзани тез ювилувчан грунтлардан ўтганда ўзан турғунлигини таъминлашда масаланинг ечимини олишда маълум бир қийинчиликлар туғдиради.

Бугунги кунда Амударё дарёси қирғоқлари деформацион жараёнларининг олдини олишга қаратилган такомиллаштирилган схемалар ва алоҳида конструктив ечимлар қабул қилиш, уларни гидравлик асослаш усуллари такомиллаштириш каби муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Сув оқимининг ўзандаги беқарор нотекис ҳаракати икки ўлчамли математик модели» деб номланиб, тўғонсиз сув олиш ва сув олиб келувчи канал деформацияланувчи ўзанларда оқимнинг ҳаракатини ифодаловчи математик моделлаштиришга бағишланган.

Сув оқимининг мураккаб шаклли ўзанлардаги ҳаракати масса ва импульснинг сақланиши қонунларига асосланган қуйидаги кўринишга эга икки ўлчамли Сен-Венан тенгламалари билан амалиёт учун етарли даражада ифодаланиши бир неча ҳисобий экспериментал тадқиқотлар натижалари билан асосланган

$$\oint\oint_W T dx_1 dx_2 + X_1 dt dx_2 + X_2 dt dx_1 = \iiint_\Omega R dt dx_1 dx_2 \quad (1)$$

бунда: $W - \{x_1, x_2, t\}$ фазодаги ёпиқ сирт бўлиб, бир бирига параллел ва тенг бўлган $\{x_1, x_2\}$ икки ўлчамли соҳадаги сиртларни бирлаштирувчи ва $\{x_1, x_2\}$ текисликда умумий проекция бўлган $-\omega$ соҳага эга ва уларни t ўққа параллел бўлган цилиндрсимон сирт кўринишидаги ясовчисини билан бирлаштирилади; $\Omega - W$ сирт билан чегараланган ҳажм; $t -$ вақт, $x_1, x_2 -$ фазовий ўзгарувчилар; $T, X_1, X_2, R -$ қуйидаги уч элементлардан иборат матрица-устунлар:

$$T = \begin{pmatrix} h \\ q_1 \\ q_2 \end{pmatrix}; X_1 = \begin{pmatrix} q_1 \\ \alpha_{11}q_1^2/h + gh^2/2 \\ \alpha_{21}q_1q_2 \end{pmatrix}; X_2 = \begin{pmatrix} q_2 \\ \alpha_{12}q_1q_2 \\ \alpha_{22}q_2^2/h + gh^2/2 \end{pmatrix}; \quad (2)$$

$$R = \begin{pmatrix} q_0 \\ -\tau_{D1} - \tau_{П1} - gh \frac{\partial Z_{Д}}{\partial x_1} - r_1 \\ -\tau_{D2} - \tau_{П2} - gh \frac{\partial Z_{Д}}{\partial x_2} - r_2 \end{pmatrix}; \quad (3)$$

Бунда амалиётда ўзини оқлаган назарий формулани қўллаш билан чегараланади. Танланган формуладаги оқим тубидаги ва муаллақ ҳолатдаги чўкинди заррачаларни характерловчи коэффицентлар қийматлари маҳаллий шароитларга мослаштириб танланган. Математик моделни тузаётганда асосий ҳолатлардан бири бу ўзандаги жараёнларнинг табиий физик қонуниятлари ҳисобга олинди. Бунда биринчи навбатда ўзан жараёнларининг турли масштаблари ва шакллари ҳисобга олиш керак бўлади.

Математик моделни тузиш учун Сен-Венаннинг икки ўлчамли тенгламалари, сув оқимининг баланс тенгламалари, дарё ўзани деформацияси тенгламалари қўлланилди.

Деформацияланувчи ўзанда оқаётган сув оқимининг ҳаракатини ифодаловчи гидродинамика тенгламаларига асосланган бир ўлчамли моделни олиш учун геометрик ўлчамлари куйидаги шартни қаноатлантирувчи ўзан қаралди:

$$h \ll L,$$

Ўзан шундай кенгликка эга бўлиши керакки ($B < 2L$), гидравлик жараённи икки ўлчамли масала кўринишда ҳисоблаганда бир ўлчамли масалага нисбатан кўпроқ маълумот олиш имкониятини бериши мумкин:

- вертикал кесимлардаги оқим эгриланиши унчалик катта бўлмаслиги керак, бу гидродинамик босимнинг тақсимланиши гидростатик қонуниятга бўйсунди деган чекланишни қабул қилишимизга имконият яратади;

- оқимча эгилиги шундай кичик қийматга эга бўлиши керакки, кесимда оқим ҳаракатига перпендикуляр бўлган циркуляцион ҳаракатни келтириб чиқармаслиги керак. Режадаги ўзанларнинг эгрелиги ҳам нисбатан кичик бўлиши ва оқимга перпендикуляр бўлган қисмда сезиларли циркуляцияга олиб келмаслиги керак. Эгриланишнинг катта қийматларида икки кўринишдаги оқимларнинг оқиб ўтиши рўй беради. Бу тенгламалар системасини ечиш ва қулай шаклини олиш учун система таркибига чўкиндилар мувозанати (3) ва деформация (4) тенгламалари киритилди.

Сен-Венан тенгламалари ифодаляйдиган марказдан қочма куч таъсирида сув сарфини қайта тақсимланиши ва Сен-Венан тенгламалари билан ифодаланмайдиган оқимнинг асосий ҳаракат йўналишига перпендикуляр бўлган суюлик циркуляцияси В.М.Лятхер ва А.Н.Милитеев тадқиқотлари натижасига асосан куйидаги шарт бажарилганда дарё ва каналлар моделлари учун иккинчи кўринишдаги оқиб ўтишни таъсири кичик ҳисобланади

$$R/B > 1 - 3, \quad B/h > 30 - 40, \quad (4)$$

бунда: B – ўзанинг кенглиги, R – ўзан динамик ўқининг эгрилиги радиуси; h – оқимнинг чуқурлиги.

Келтирилган гидродинамика тенгламалари (1), (2) ни келтириб чиқаришда гидродинамик босимнинг тақсимланишини гидростатик қонуниятга бўйсўнади деган чекланиш эгрилиги кичик бўлган оқимчалар учун ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, бир йўналишли барқарор ҳаракатдаги оқим ($Q_2=0$) учун ҳисобий соҳа сифатида томонлари x_1 ва x_2 кенглиги x_2 ўқ йўналишида ўзгармас ҳолат учун тенгламалар системасининг иккинчи тенгламаси классик гидравликадаги гидравлик сакраш функциясини келтириб чиқаришда қўлланиладиган ҳаракат миқдори тенгламаси аналог тарзда ўхшаш кўриниш олади. Классик гидравликага асосланиб, жуда кенг ўзанлар тўғри тўртбурчак шаклда қабул қилинди. Демак:

-оқимнинг вақт давомида ўзгармаслиги шартидан (1), (2), тенгламаларнинг биринчи $\iint q_1 dx_1 dx_2 \Big|_{t_0}^{t_1} = 0$;

- оқимнинг бир томонга йўналиш ($q_2 = 0$) шартидан учунчи ҳад ҳам 0 га тенг деб қабул қилинди;

Тенглама қуйидаги кўринишни олди:

$$\alpha_1 q_1^2/h + gh^2/2 \Big|_{x_1=a}^{x_1=b} = \int_a^b \left(-\tau_{D1} - \tau_{П1} - gh \frac{\partial Z_D}{\partial x_1} - r_1 \right) dx_1. \quad (5)$$

бунда: $b-a$ кичик қиймат деб қабул қилиниб, (5) ифода гидравлик сакраш функцияси эканлигини кўриш мумкин. Масалалар қаралаётганда уларнинг чизиқли масштабани танлашда $\int_a^b \left(-\tau_{D1} - \tau_{П1} - gh \frac{\partial Z_D}{\partial x_1} - r_1 \right) dx_1$ катталиқнинг кичик қийматга эгалигини инобатга олиб, (1), (2) тенгламалар системаси вертикал текисликлардаги кичик эгриликдаги оқимчалар оқимини ҳаракатини ифодалаш билан биргаликда гидравлик сакрашни ҳам ифодалаш муминлигини кўрсатди.

Бу гидродинамик тенгламалар системалари массанинг сақланиш ва Ньютоннинг иккинчи қонунига асосланган механиканинг умумий қонуниятлари асосида олинганлиги сабабли, мураккаб кўринишдаги гидравлик тўлқинсимон оқимлар ҳаракати, бор ҳаракатидаги гидравлик сакрашлар, эгри гидравлик сакраш, тангенциал узилиш ҳаракатларини ҳам ифодалашини асослаш мумкин.

Сув оқимининг очиқ ўзанлардаги беқарор икки ўлчамли ҳаракатини x_1, x_2, t координаталарда қуйидаги кўринишга келтирилди:

$$\int_W \Phi dx_1 dx_2 + \Phi dt dx_2 + \Phi dt dx_1 = \int_R^{1,2} P dt d, \quad (6)$$

бунда:

$$\Phi = \begin{bmatrix} Q_1 \\ Q_2 \\ Z_n \end{bmatrix}; \quad \Phi = \begin{bmatrix} Q_1 U_1 + gh^2/2 \\ Q_2 U_2 \\ Q_1 \end{bmatrix}; \quad \Phi = \begin{bmatrix} Q_1 U_2 \\ Q_2 U_2 + gh^2/2 \\ Q_2 \end{bmatrix};$$

$$P = \begin{bmatrix} -\tau_{x_1} - gh \partial Z_b / \partial x_1 \\ -\tau_{x_2} - gh \partial Z_b / \partial x_2 \\ 0 \end{bmatrix},$$

бунда: g – қаралаётган фазовий муҳит – (x_1, x_2, t) даги P ҳажм билан чегараланган соҳа ихтиёрий сирт, $Q_i = U_i h$ – солиштирма сарфнинг X_i ($i = 1, 2$), ўққа проекцияси,

$$\tau_i = \lambda U_i |U| / 2 \quad (7)$$

бунда: λ – қуйидаги Маннинг формуласига асосан ҳисобланиши мумкин бўлган гидравлик ишқаланиш коэффиценти:

$$\lambda = \frac{2g}{C^2} = \frac{2gn^2}{h^{1/3}}, \quad (8)$$

бунда: C – Шези коэффиценти, n – ўзаннинг ғадир-будурлик коэффиценти.

Келтирилган гидродинамик тенгламалар импульс ва массанинг сақланиш қонунларини катта масштабдаги ўрталаштириш қабул қилиб олинади. Агар икки ўлчамли гидродинамика тенгламаларини Рейнольдс тенгламаларини ўрталаштириш орқали олинса, бир қанча қаралаётган масалаларни бирлаштириш имконияти пайдо бўлади. Таъкидлаш лозимки, U , V , h параметрлар ўрталаштирилиб олинса, узиладиган оқимларни моделлаштиришда уринма кучланишларни инобатга олиш имконияти пайдо бўлади. Қабул қилинган тенгламалар системасининг интеграл муносабати дивергент шаклда қуйидача ёзилади:

$$\frac{\partial Q_i}{\partial t} + \frac{\partial Q_i U_j}{\partial x_j} + \frac{\partial}{\partial x_i} \frac{gh^2}{2} = -gh \frac{\partial z_b}{\partial x_i} - 0,5\lambda U_j |U| \quad (9)$$


$$\frac{\partial Z_s}{\partial t} + \frac{\partial Q_i}{\partial x_i} = 0$$

Сув оқимининг икки ўлчамли компьютер моделида дарё ўзанининг ростланиш соҳасида оқимнинг ҳаракати ҳисобланди. Соний тадқиқотларда ҳимоя ростлаш иншоотларининг турли жойларда ўрнатилиб таҳлиллар олинди.

Диссертация ишининг учинчи боби «**Қарши магистрал каналининг бошланиш участкаси ҳудудида Амударёнинг характерли хусусиятлари**» деб номланиб, танланган объектнинг топографик, гидрологик ва табиий иқлимий шароити таҳлиллари, тўғонсиз сув олишнинг ишончлилиги ва уни такомиллаштириш вазифалари кўриб чиқилди.

Қарши магистрал канали (ҚМК) тўғонсиз сув олиш ҳудудидаги Амударёнинг оқим параметрлари Керки ва Пулизиндан ҳудудлари кесимида ўтказилган сув оқимини ўлчаш маълумотлари асосида ўрганилди. Бундан ташқари, ҚМК ва Ўзгидрометрология маркази хизмати томонидан олинган материалларидан фойдаланилди.

Кейинги йилларда Керки сув ўлчаш постида сув сарфининг ўртача йиллик миқдори қуйидагича кузатилди: 2005 йилда - 1722 м³/с; 2010 йилда - 1822 м³/с; 2012 йилда - 1691 м³/с. 1980 йилдан 2003 йилгача бўлган даврда энг кам ўртача йиллик сув оқими кузатилди: 2008 йилда - 671 м³/с, 2011 йилда - 929 м³/с; 2016 йилда - 866 м³/с. Амударёнинг максимал сарфи 9060 м³/с бўлиб, Пулизинданда 4830 м³/с Керки г.п.да – 4640 м³/с. Йиллик оқим динамикаси 41,5 км³ дан 99,1 км³ гача ўзгариб, ўртача кўп йиллик кўрсаткич 64 км³ ни ташкил этади. (1.2-расмлар)



1-расм. Амударёнинг Керки постида ўртача йиллик сув сарфининг ўзгариши




2-расм. Амударёнинг Атамурат постида 2011-2020 йиллардаги ўртача сув сарфи

Керки створидаги ўртача сарф $1460 \text{ м}^3/\text{с} \div 2570 \text{ м}^3/\text{с}$ ни ташкил этади, минимал сарф эса $422 \text{ м}^3/\text{с}$ катталиқни ташкил этган. Оқимнинг тақсимланиши нотекис бўлиб, сувнинг кўпайган даврида жами оқим миқдорини 80 % изи ўтади, кам сувли даврида умумий оқим миқдорининг 20% изи ўтади. Йиллик сув сатҳининг амплитудаси $2,2 \div 3,05 \text{ м}$ оралиғида ўзгариб, энг катта амплитуда тошқин даврга мос келади. Амударёнинг ушбу Керки створидаги гидрографининг ўзгаришлари кескин ошиб тушувчи пиклардан иборат бўлиб, бу пиклар кескин даврийсизликка эга, яъни катта пиклар $16 \div 17$ тагача ва кичик пиклар $3 \div 4$ кун давом этиши мумкин. Максимал сув сарф ва сатҳлар одатда йилнинг июль ойида кузатилиб, август ойида сатҳ ва сарфлар пасаяди. Кам сувли даври асосан октябрь ойидан бошланиб, март ойининг сўнгигача давом этади. Асосан бу даврда сатҳ ва сарф ўзгача характерга эга бўлиб, март апрель ойларида ёмғир ёғиши ва ҳаво ҳарорати кўтарилиши туфайли музликларнинг эриш жараёни бошланиши билан 2-3 мартаба ўзгаришлар рўй бериши кузатилади.

Тўғонсиз сув олиш иншоотларининг оқим динамикаси хусусиятларига таъсирини башорат қилиш канал гидравликасининг муҳим вазифаларидан биридир. Тўғонсиз сув олишда ўзандаги жараёнларнинг ривожланиши сув олиш иншоотининг ишончилиги ва ишлашига салбий таъсир қилади. Тадқиқот объекти ҳисобланган Қарши магистрал канали Амударёдаги тўғонсиз сув олиш ҳудудининг бир қисми ҳисобланади.

Амударёдаги тўғонсиз сув олиш иншоот соҳасининг юқори қисмида беқарор ўзан мавжуд бўлиб, бу ердаги дарё туби қумли-қовушқоқ тупроқлардан иборат, қирғоқлари эса аллювиал қум кўринишидаги паст текисликларга эга. Асосий ўзан дарёнинг ўртасида ёки ўнг қирғоқ бўйлаб оқади ва баъзан оқим йўналиши чап қирғоққа ўзгариб туради.

Ўзаннынг жойлашуви ўнг қирғоқ бўйлаб орол пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бу оролча сув сатҳи юқори бўлганда, яъни тўлин сув даврида сув остида қолади, кам сув даврида яна ҳосил бўлади. Орол маълум даражада Пулизиндан тепалиги йўналиши бўйича оқимни тўхтатади. Пулизиндан тепалиги яъни ўнг қирғоқ бўйлаб ҳосил бўлган оқим энг катта чуқурликка эга бўлиб $8 \div 12 \text{ м}$ ташкил қилади, баъзан эса 14 м гача этади. (3-расм)



3-расм. Амударё дарёси ҚМҚ тўғонсиз сув олиш иншооти

Ўнг қирғоқдаги сув олишнинг бош қисмида Пулизиндан тепалиги оҳактош тоғ жинсларидан иборат бўлиб ва дарёнинг ювилмайдиган ва кенглиги бўйича энг кичик худудни ҳосил қилади. Қирғоқ зона ҳисобланган Кизилаяк қишлоғи иккинчи худуд ҳисобланиб, Пулизиндан тепалигидан 4-6 км пастликда Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган. Чап қирғоққа яқинлашганда асосий оқим чап қирғоқ ўзан бўйлаб оқишини кузатиш мумкин. Қишда дарё оқимининг асосий қисми 250 м гача қисқаради. Тўлин сув даврида дарёнинг кенглиги ўнг қирғоққа қараб сезиларли даражада ошади ва 1,5 км га етиши мумкин. Дарёнинг қайири баҳорги-ёзги тошқин пайтида 5500-6000 м³/с ва ундан кўпроқ сув оқими билан тошиб кетиши кузатилади.

Ушбу ҳолатнинг олдини олиш учун биринчи навбатдаги вақтинчалик чора-тадбирлар, қирғоқ ҳимояловчи дамбалар, шпоралар ўрнатиш лозим. Темир-бетон буюмларни ишлаб чиқариш ва транспортировка қилиш харажатларининг катталигини инобатга олиб, келажакда темир бетон конструкцияларга эга маҳаллий материаллардан тайёрланадиган қирғоқни мустаҳкамловчи дамбалар қуриш зарур.

Диссертациянинг «**Амударёнинг тўғонсиз сув олиш иншооти соҳасидаги экспериментал тадқиқотлар**» деб номланган тўртинчи бобида сув оқимини моделларда экспериментал тадқиқот қилиш, экспериментал тадқиқотларда олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаш ва бу маълумотлар асосида тизимни самарали ва иқтисодий жиҳатдан яхши ишлаш тадбирларини ишлаб чиқиш учун ўхшашлик шартларини бажарилишига эришилди.

Моделлар лойиҳалаштиришнинг асоси бўлган ва тажрибалар натижаларини реал объект учун қайта ҳисобловчи ўхшашлик қонунлари бажарилиши учун ўхшаш жараёнлар аналог кўринишдаги дифференциал тенгламалар билан ифодаланиши шарт. Шу билан биргаликда каналнинг геометрик ўлчамларини, чегаравий ва бошланғич шартларини, реал объект ва моделда ҳаракатланувчи сув оқимининг физик ҳоссаларини ўз таркибига олувчи бир хиллилик шarti бажарилиши таъминланди.

Сув оқимининг канал ўзанидаги ҳаракати оғирлик кучи ва ишқаланиш кучларининг ўзаро таъсирида амалга ошади. Кучларнинг реал объект ва экспериментал қурилмадаги ўхшашлигини таъминлаш учун кучлар масштаби қуйидаги муносабат орқали аниқланди:

$$M_G = \frac{G_H}{G_M} = \frac{(ma)_H}{(ma)_M} = \frac{(\rho WLT^2)_H}{(\rho WLT^2)_M} = \frac{(\rho L^2 V^2)_H}{(\rho L^2 V^2)_M} \quad (10)$$

бунда: G_H ва G_M – мос равишда реал объектдаги ва моделдаги ўхшаш кучлар; T_H ва T_M – мос равишда реал объектдаги ва моделдаги ўхшаш массалар; a_H ва a_M – мос равишда реал объектдаги ва моделдаги ўхшаш тезланишлар; ρ – сув зичлиги; W – суюқлик ҳажми; L ~ характерли узунлик, очик ўзанларни физик моделлаштиришда чизикли ўлчам сифатида чуқурликни қабул қилиш мумкин, яъни $L=H$; T – вақт; "н" ва "м" индекслар мос равишда - "натура" ва "модель" иншоотлар белгиси.

